

**ИЛОВА №2**

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”  
Марказий банк Жиззах вилояти  
бош бошқармаси капитал таъмирлаш  
ниндирибуйича комиссия раиси**



**С.Х.Алишев**

**2022 й.**

**“Марказий банк Жиззах вилояти бош бошқармаси маъмурий  
ва ёрдамчи биноларини реконструкция ва капитал таъмирлаш”  
ишларини амалга ошириш юзасидан лойиха-смета хужжатларини  
ишлаб чиқиш учун**

## **ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИ**

## **УМУМИЙ ҚИСМ**

Танловда иштирок этиш учун таклифнома.

Танлов иштирокчилари учун йўриқнома.

Танлов таклифларини техник баҳолаш ва таклифларнинг молиявий қисмини баҳолаш мезонлари.

Тақдим қилинадиган шакл ва иловалар наъмуналари.

### **ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФ**

Марказий банк Навоий вилояти бош бошқармаси танловда иштирок этишга танлов иштирокчиларини таклиф этади ва қуидаги обьект бўйича танлов таклифини тақдим этилишини сўрайди.

**Объект номи:** Марказий банк Жиззах вилояти бош бошқармаси маъмурий биноси хамда ёрдамчи биноларида реконструкция ва капитал таъмирлаш ишларини амалга ошириш юзасидан лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш.

**Объектниң бошланғич нархи** - 870 000 000 (Саккиз юз етмиш миллион) сўм ҚҚС билан.

**Ишларни тугаллаш муддати** – Шартнома тузилган кундан бошлаб 25 (йигирма беш) календар кун.

**Буюртмачи:** Марказий банк Жиззах вилоят бош бошқармаси.

**Манзил:** Жиззах вилоят, Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 16-й

**Лойиҳани молиялаштириш манбаси:** Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маблаги ҳисобидан.

**Шартнома валютаси:** Ўзбек сўми.

**Тўлов шартлари:** Кўрсатилган хизматлар учун тўловлар сўмда амалга оширилади.

**Буюртмачи реквизитлари:** ҳисобрақами – 19 907 000 700 000 018 000,  
29 802 000 000 000 018 022, 29 896 000 700 000 018 053

ИНН – 201 432 857, МФО - 00018, банк - Жиззах ХККМ.

**Танлов ташкилотчилари телефон рақамлари:** Маъмурий хизмат бошлиги Мелиев Наби +99898-261-77-49 хамда Бош бухгалтер Ўралов Шерзод +99897-327-07-33

Танлов буюртмачи томонидан амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда ва белгиланган муддатларда ўтказилади.

Таклиф этилган шартлар бўйича танловда мурожаат билан барча шартномани бажариш учун зарур техниковий, молиявий, моддий, кадрлар ресурслари хамда бошқа ресурслари мавжуд, Ўзбекистон Республикасининг ўта муҳим ва тоифаланган обьектларида сўнгги 3 йил мобайнида 3 тадан кам бўлмаган лойиҳалаш ишларини амалга оширган ва камида 5 йил иш тажрибасига эга бўлган юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

**Танловда иштирок этиш учун иштирокчиларга қуидаги талаблар қўйилади:**

- фуқаролик муомала лаёқати ва шартнома тузиш ваколати;
- доимий ходимлари, жумладан мухандис-техник ходимларига (loyiha boш muхандisi, loyiha boш arхitektori va boшka mutaxassislariga) эга бўлиши;
- асосий воситаларига, шу жумладан моддий-техник базасига, лойиҳа-смета

- хужжатларини ишлаб чиқиши моддий-техник воситалариға эга бўлиши;
- танлов обьектига ўхшаш обьектларда ишлаганлик тажрибаси мавжудлиги;
  - бажарилган ишлар, шу жумладан ўз кучи билан олдин бажарилган ишлар ҳажми ҳақида маълумотларни тақдим этиш;
  - банкда очилган ҳисобрақамидаги пул айланмаси тўғрисидаги маълумотлар.

Агар танлов предмети бўлган иш (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонун хужжатларига мувофиқ лицензияланиши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга асосан тегишли лицензияга эга бўлган танлов иштирокчиларига рухсат этилади.

**Куйидаги танлов иштирокчиларига танлов жараёнида иштирок этишга рухсат берилмайди:**

- қайта ташкил этилиш (бўлиниш, қўшилиш), тугатиш жараёнида бўлган;
- мол-мулки мусодарага олинган ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий ҳукуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжуд ташкилотлар;
- бошқа буюртмачилар билан судлашиш жараёнида бўлган ташкилотлар;
- инсофиз изяричилар ягона реестрида рўйхатда турувчи ташкилотлар;
- солиқ ва бошқа мажбуриятлар бўйича муддати ўтган қарздорликлари мавжуд бўлган ташкилотлар;
- мазкур турдаги ишларни бажариш бўйича шартнома тузишга ҳукуки бўлмаган ташкилотлар;
- банкротлик ҳолатидаги ташкилотлар;
- оффшор ҳудудларда рўйхатдан ўтган ташкилотлар.

Танлов таклифини тайёрлаш ва тақдим қилиш учун керакли барча ҳужжатлар танлов иштирокчилари учун йўриқномада акс эттирилган.

## **ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА**

**Мазкур танлов ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни ва “Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом талаблари асосида ишлаб чиқилган.**

### **ЭЛЕКТРОН ТАНЛОВ ВОСИТАСИДА ХАРИДЛАРНИ ЎТКАЗИШ ШАРТЛАРИ ВА ТАНЛОВ ЎТКАЗИШДА ХАРИД КОМИССИЯСИ ФАОЛИЯТИ**

1. Танлов ўтказиш буюртмачи томонидан тузилган 7 (етти) нафар тоқ сонли харид комиссияси аъзолари томонидан амалга оширилади.

2. Харид комиссияси буюртмачининг тегишли қарори билан тузилади ва тарқатиб юборилади.

3. Электрон танлов ўтказиш бўйича харид комиссиясининг тезкор фаолиятини унинг овоз бериш хукуқига эга бўлмаган масъул котиби ташкиллаштиради.

Харид комиссиясининг масъул котиби:

иштирокчиларниң таклифларини харид комиссиясига кўриб чиқиш учун тақдим қилади;

танлов ҳужжатларида белгиланган мезонлар бўйича иштирокчиларниң таклифларини баҳолаш натижаларини электрон тизимга киритади.

4. Буюртмачи харид комиссиясининг ҳар бир аъзосига ва масъул котибига ўз вазифаларини амалга ошириш учун электрон тизимда шахсий кабинет очади.

5. Харид комиссиясининг ваколатига киритилган масалаларни кўриб чиқиш учун харид комиссиясининг аъзолари ва масъул котибининг электрон тизим томонидан ёпиқ чат орқали мулокот қилиш имконияти таъминланади.

6. Харид комиссиясининг ҳар бир аъзоси ўзининг шахсий кабинети орқали овоз беришда ёқлаб овоз бериши, қарши овоз бериши ёки унда иштирок этишдан бош тортиши мумкин. Харид комиссияси аъзоси қарши овоз берганда электрон баённомада шарҳ колдириши шарт. Белгиланган муддатларда харид комиссияси аъзоси шахсий кабинети орқали овоз беришдан бўйин товлаган тақдирда, у овоз беришдан бош торган деб тан олинади. Харид комиссия раиси овоз беришда бош тортишга ҳақли эмас.

### **ЭЛЕКТРОН ТАНЛОВ ЎТКАЗИШДА ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА ТАНЛОВ ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА ЭЪЛОННИ ЖОЙЛАШТИРИШ**

1. Электрон танлов ўтказидаги эълонда куйидаги ахборотлар бўлади:  
товарнинг (ишнинг, хизматнинг) батафсил тавсифи ва нархи;  
электрон танлов ўтказадиган операторнинг номи ва унинг веб-сайтига ҳавола;  
электрон танлов иштирокчиларига қўйиладиган талаблар;

Буюртмачининг иштирокчилар билан алоқада бўлиш учун боғловчи шахслар сифатида белгиланган бир ёки бир нечта мансабдор шахсининг ёки бошқа ходимларининг Ф.И.О., лавозими ва манзили;

танлов таклифларини бериш муддати тугайдиган вақт ва сана;  
танлов таклифларини расмийлаштиришга доир талаблар.

2. Танлов ҳужжатларида қуйидагилар бўлиши керак:

электрон танлов ўтказилиши тўғрисидаги эълонда кўрсатилган ахборот;  
шартнома баҳосини ва ижроилар билан ҳисоб-китобларни шакллантириш учун фойдаланиладиган валюта ҳамда тўлов тартиби ҳақидаги ахборот;

электрон танловда иштирок этиш учун танлов таклифи қайси тилда тайёрланиши кераклиги бўйича талаб;

электрон танлов иштирокчиларига танлов хужжатлари қоидаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тартиби, тақдим этиш муддати бошланадиган ва тугайдиган сана;

агар товарнинг (ишнинг, хизматнинг) муқобил варианtlарига йўл қўйилса, лотни алмаштириш бўйича муқобил таклифларни баҳолаш тартибининг тавсифи;

техник топширик;

Қонунга мувофиқ иштирокчиларнинг таклифларини баҳолаш мезонлари ва кўриб чиқиши тартиби.

3. Танлов таклифининг техник ва нарх қисми бўйича буюртмачининг товарларга (ишларга, хизматларга) бўлган эҳтиёжларини қондириш учун таклифнинг ҳар бир қисмини баҳолаш аҳамиятига қараб нисбий қиймати белгиланади.

Танлов таклифининг техник қисми учун микдорий кўрсаткичлардан (малакали мутахассислар сони, етказиб бериш муддати, иш тажрибаси ва бошқалар) ёки эксперт баҳосидан келиб чиқсан ҳолда баҳолаш мезонлари белгиланади.

Шартнома суммаси (нархи) танлов таклифи нарх қисмининг ягона мезони ҳисобланади.

4. Танлов хужжатларига уларнинг ажралмас қисми бўлган шартнома лойихаси илова қилинади.

5. Буюртмачи танлов хужжатларини келишиш учун электрон шаклда харид комиссиясига киритади.

6. Харид комиссияси танлов хужжатларини юзма-юз мажлисда ёки масофадан туриб Қонун талабларига мувофиқлигини кўриб чиқади ва қуидагиларни белгилайди:

танлов таклифлари қабул қилинадиган муддатлар;

танлов таклифларини баҳолаш усувлари ва мезонлари;

танлов таклифлари қисмларининг ва зарур ҳолларда техник қисмининг ҳар бир баҳолаш мезонларининг нисбий қиймати;

танлов таклифини таъминлаш ҳажми ва шакли.

7. Электрон танловни ўтказиш ҳақида қарор танлов хужжатлари харид комиссияси томонидан келишилганидан сўнг қабул қилинади.

8. Буюртмачи харид комиссияси билан келишилган танлов хужжатларини электрон рақамли имзо билан тасдиқлади.

9. Зарур ҳолларда буюртмачи танлов хужжатларига ўзгартириш киритиш ҳақида қарор қабул қилиши мумкин.

10. Танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор электрон танловда иштирок этиш учун танлов таклифларини бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қабул қилиниши мумкин.

Бунда ушбу электрон танловда танлов таклифларини бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилади. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, электрон танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади.

Танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритиш давомида товарни (ишни, хизматни) ёки унинг хусусиятлари ўзгартирилмайди.

## ТАНЛОВ ТАКЛИФИНИ БЕРИШ

1. Электрон танлов ўтказилганда иштирокчилар танлов таклифларини электрон конверт кўринишида ўзларининг шахсий кабинетлари орқали электрон танловни ўтказиш тўғрисидаги эълонда кўрсатилган муддатдан кечиктирмай тақдим этадилар.

2. Иштирокчининг танлов таклифининг ажралмас қисми бўлган электрон хужжатлар оператор томонидан белгиланган форматларда тақдим этилади. Ҳар бир жойлаштирилган электрон хужжат иштирокчининг электрон ракамли имзоси билан тасдиқланади.

3. Танлов таклифи билан биргаликда иштирокчилар эскизлар, расмлар, чизмалар, фотосуратлар ва бошқа хужжатларни файл сифатида жойлаштиришлари мумкин.

Бунда иштирокчиларнинг танлов таклифлари электрон тизимдаги шаблонларга мувофиқ хужжатларни бириктириш орқали тақдим этилади. Иштирокчи томонидан кўрсатилган маълумотлар бириктирилган хужжатлардаги маълумотларга мос келиши керак.

4. Танлов таклифларини очиш муддати етиб келгунга қадар улар электрон танлов иштирокчилари, шу жумладан харид комиссияси масъул котиби ва аъзолари томонидан кўрилишига йўл қўйилмайди, бундан ушбу таклифларни тақдим этган иштирокчи мустасно. Мазкур талабнинг бажарилишига оператор жавобгар хисобланади.

5. Электрон танлов иштирокчиси битта лотга фақат битта танлов таклифини беришга ҳақли.

6. Электрон танлов иштирокчиси тақдим этилаётган ахборот ва хужжатларнинг хақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар бўлади.

7. Электрон танлов иштирокчиси тақдим этилган танлов таклифларини бериш муддати тугагунига қадар берилган танлов таклифини чақириб олишга ёки унга ўзгартиришлар киритишга ҳақли.

8. Электрон танлов иштирокчиси танлов хужжатларидағи талабларни тушунтириш талаби билан буюртмачига очиқ электрон чат орқали танлов таклифларини бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин сўров юборишга ҳақли.

9. Буюртмачи сўров келиб тушган санадан эътиборан икки кун ичida ушбу сўровга очиқ электрон чат орқали тушунтириш юборади.

## **ЭЛЕКТРОН ТАНЛОВ НАТИЖАЛАРИНИ САРХИСОБ ҚИЛИШ**

1. Электрон танлов харид комиссияси томонидан белгиланган муддатда ўтказилганда электрон тизим автоматик равишда иштирокчилар томонидан жойлаштирилган ва уларнинг танлов таклифларини ташкил этувчи электрон хужжатларни кўриш имкониятини беради.

Иштирокчи томонидан бириктирилган файллар унинг танлов таклифида кўрсатилган маълумотларига мос бўлиши ҳамда электрон тизимдаги электрон майдонлар тўлдирилиши керак.

Электрон тизим иштирокчи таклиф этган нархни бошланғич нархга мувофиқлигини ва электрон майдонларнинг тўлдирилганлигини ҳамда бириктирилган файлларнинг мавжудлигини текширади. Иштирокчи томонидан таклиф этилган нарх бошланғич нархдан юкори бўлса, шунингдек тўлдирилмаган майдонлар мавжуд бўлса ёки бириктирилган файллар тўлиқ бўлмаса, электрон тизим рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда иштирокчининг таклифини рад этади. Бириктирилган файллардаги маълумотларнинг иштирокчининг танлов таклифида кўрсатилган маълумотларга мувофиқлигини текшириш харид комиссиясининг масъул котиби томонидан амалга оширилади.

2. Агар танлов таклифи Қонуннинг ва танлов хужжатларининг талабларига мувофиқ бўлса, у тегишли тарзда расмийлаштирилган деб топилади. Танлов таклифи тегишли тарзда расмийлаштирилганлиги ёки расмийлаштирилмаганлиги бўйича харид комиссияси масъул котибининг қарори унинг асосланган сабаблари билан харид комиссияси томонидан тасдиқланади.

3. Танлов таклифларини баҳолаш вақтида харид комиссиясининг масъул котиби электрон танлов иштирокчиларидан уларнинг танлов таклифлари юзасидан тушунтиришлар сўрашга ҳақли. Мазкур жараён электрон шаклда ўтказилади.

4. Танлов таклифи танлов хужжатлари билан белгиланган муддат мобайнида кучда қолади.

5. Танлов таклифининг нарх қисмини баҳолаш электрон тизим томонидан автоматик равища амалга оширилади.

Микдор кўрсаткичларига эга бўлмаган таклифнинг техник қисмининг мезонлари (эксперт мезонлари) бўйича иштирокчиларнинг таклифларини баҳолаш ва таққослаш харид комиссияси томонидан овоз бериш орқали амалга оширилади.

Танлов хужжатлари шаблонларини тўлдиришда микдорий (ўлчов бирлигини белгилаган ҳолда) ва эксперт мезонларни харид комиссияси тасдиқлайди.

6. Танлов хужжатларида белгиланган шартлардан келиб чиқиб электрон тизим автоматик равища:

танлов таклифининг техник ва нарх қисмларини баҳолашни ҳисобга олган ҳолда энг юқори балл тўплаган иштирокчини (балл усулидан фойдаланганда);

танлов таклифларининг техник қисмини баҳолаш натижаларига кўра электрон танловда иштирок этишини давом эттиришга руҳсат берилган иштирокчилар орасидан энг паст нархни таклиф этган иштирокчини (энг паст нарх усулидан фойдаланганда) ғолиб сифатида аниқлайди.

Икки ёки ундан ортиқ иштирокчилар бир хил балл тўплаган бўлса (балл усулидан фойдаланганда) ёки бир хил нарх таклиф қилган бўлса (энг паст нарх усулидан фойдаланганда), танлов таклифини барчадан олдин жойлаштирган иштирокчи ғолиб деб топилади.

Захира ижрочисини аниқлаш мазкур бандда белгиланган тартибда амалга оширилади.

7. Танлов таклифларини кўриб чиқиш натижаларига кўра харид комиссиясининг масъул котиби электрон тизимда харид комиссияси йигилишининг электрон баённомасини тузади ҳамда тасдиқлаш учун харид комиссияси аъзоларига юборади.

Харид комиссияси аъзолари электрон баённомани электрон рақамли имзоларидан фойдаланган ҳолда тасдиқлайди.

8. Харид комиссиясининг қарорлари унинг аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

9. Танлов таклифларини кўриб чиқиш ҳамда баҳолаш натижалари электрон баённомада қайд этилади ва электрон танлов ўтказиш бўйича харид комиссияси аъзолари томонидан электрон рақамли имзоларидан фойдаланган ҳолда имзоланади. Электрон баённомадан кўчирма порталда автоматик равища эълон қилинади.

Бунда, баённомада куйидаги ахборот бўлиши керак:

танлов таклифлари кўриб чиқиладиган ҳамда баҳоланадиган сана ва вақт;

харид комиссияси аъзоларининг ва электрон танлов иштирокчилари ваколатли вакилларининг таркиби;

танлов таклифлари кўриб чиқилган электрон танлов иштирокчилари;

танлов таклифлари уларни рад этишнинг аниқ сабаблари кўрсатилган ҳолда рад этилган электрон танлов иштирокчилари;

электрон танлов ғолиби тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида маълумот;

электрон танлов ғолибининг номи.

10. Электрон танловнинг исталган иштирокчиси электрон баённома эълон қилинганидан сўнг уч иш куни ичида буюртмачига электрон танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли.

11. Буюртмачи бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида электрон танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этади.

## **ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.
2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.
3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни хақиқийлиги ва тўғрилига жавобгардир.
4. Электрон баённомадан кўчирма порталда автоматик равишда эълон қилинган кундан бошлаб 10 (үн) кун давомида ғолиб танлов хужжатларида кўрсатилган шакл ва таклифда берилган сумма бўйича шартнома имзолаши керак, агарда белгиланган муддат бошқа сабабларга кўра узайтирилмаётган бўлса.
5. Шартнома лойиха ташкилотларининг мулкчилик шаклидан катъий назар қўшилган қиймат солигини ҳисобга олган ҳолда, танлов хужжатларида кўзда тутилган талаблар бўйича тузилиши лозим ва томонларнинг ҳеч бири Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ бошқа томон билан келишмаган ҳолда ўзгартиришлар киритишга ва бошқа шартларни таклиф этишга хақли эмас.
6. Агар танлов ғолиби мазкур танлов хужжатларида кўзда тутилган талаблар бўйича шартномани тузишдан бош тортса, унда буюртмачи, танлов комиссияси билан биргаликда, таклифи иккинчи ўринни олган танлов иштирокчисини танлов ғолиби деб топиши ёки такрорий танлов ўтказишни тайинлаши мумкин.
7. Буюртмачи ғолибни розилигисиз, мазкур танлов хужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўзда тутилган талаблар бўйича шартнома тузишдан бош торган тақдирда, ғолиб иқтисодий судга мурожаат қилишга хақли.

**ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИ ҚОИДАЛАРИ МАЪЛУМОТИ СЎРОВ ШАКЛИ***Иштирокчи ташкилот бланкіда (агар мавжуд бўлса)*

Танлов ўтказиш бўйича

Танлов комиссиясига

Сайтга [etender.uzex.uz] жойлаштирилган, Танлов ҳужжатига аниқлик киритилишини сўраймиз [*товарларни етказиб бериш, ишларни баъзарни, корпоратив буюртмачилари учун хизмат кўрсатиш*]:

| №<br>т/р | Танлов ҳужжатлари<br>бўлими | Танлов ҳужжатига<br>аниқлик киритиш керак<br>бўлган банд | Танлов ҳужжатига аниқлик<br>киритиш учун сўров мазмуни |
|----------|-----------------------------|--|--|
| 1        | 2                           | 3  | 4  |
|          |                             |  |  |
|          |                             |  |  |

Ушбу баён қилишларни қуидаги манзил бўйича юборишингизни сўраймиз: [etender.uzex.uz  
махсус электрон ахборот портали ҳамда Марказий банк Жиззах вилоят боши бошқармаси,  
130100, Жиззах вилоят Жиззах ш., Ш.Рашидов кўчаси 16-ий, Тел. (72) 223-97-02: (97-327-07-33, 99-  
574-77-80) Эл. почта - mb@jizzax.uz

[сана, ой, йил]

[Сўровга имзо қўйган масъул шахснинг исми] [имзо]

[И. Ш. О.]

М.Ў.

**ИШТИРОКЧИЛАРНИ ТАКЛИФЛАРИНИ ТЕХНИК ВА НАРХ ҚИСМИНИ  
БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ**

| <b>№</b>   | <b>Баҳолаш параметрларининг (мезон) номланиши</b>   | <b>Балл</b> |
|------------|---|-------------|
| <b>1</b>   | <b>ТЕХНИК БАҲОЛАШ</b>   | <b>70</b>   |
| <b>1.1</b> | Иштирокчини аввал ҳам Ўзбекистон Республикасининг ўта муҳим ва тоифаланган обьектларида сўнгги 3 йил мобайнида 3 тадан кам бўлмаган лойиҳалаш ишларини бажаргандиги бўйича иш тажрибаси тўғрисида маълумотлар   | 0-15        |
| <b>1.2</b> | Иштирокчининг иш ва хизматларни амалга ошириш учун доимий 7-10 нафар ва 5 йилдан кам бўлмаган ушбу соҳадаги иш тажрибасига эга олий маълумотли малакали ходимларининг мавжудлиги  | 0-15        |
| <b>1.3</b> | Бино ва иншоатларнинг ички ва ташки кўринишида (концепти) дизайннерлик махорати учун (бунда Марказий банк Жиззах вилоят бош бошқармаси биносининг жорий ҳолатидан келиб чиқиб лойиҳачилар томонидан бино концептининг наъмуна таклифлари тақдим этилиши лозим)                            | 0-10        |
| <b>1.4</b> | Иштирокчининг банкда очилган ҳисобрақамидаги сўнгги 1 йиллик (яъни 01.01.2021 йилдан - 01.01.2022 йилга қадар) пул маблаги кирим айланмаси 3,5 млрд. сўмдан кам бўлмаслиги лозим  | 0-10        |
| <b>1.5</b> | Иш ва хизматларни қисқа фурсатда ва сифатли бажариш учун иштирокчининг балансида юқори сифатли замонавий жихозларга ва маҳсус лойиҳалаш дастурларига эга бўлиши   | 0-10        |
| <b>1.6</b> | Шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурслари ҳамда бошқа ресурслари мавжудлиги, қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида хужжатлар ёки тегишли банкларнинг тавсия хати ( <i>танлов бошланиши санасидан 15 кундан ошмаган санада олинган бўлиши керак</i> ) | 0-5         |
| <b>1.7</b> | Иш ва хизматларни белгиланган муддатда сифатли бажариш ва ўз вақтида ишларни топшириш бўйича кафолат  | 0-5         |
| <b>2</b>   | <b>МОЛИЯВИЙ ҚИСМИНИ БАҲОЛАШ</b>   | <b>30</b>   |
| <b>2.1</b> | Таклиф суммаси  | 0-30        |
|            | <b>Жами баҳолаш</b>   | <b>100</b>  |

**ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИННИГ ИШ ТАЖРИБАСИ ВА ХОДИМЛАРИ СОНИ БЎЙИЧА  
УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР**

*Иштирокчи ташкилот бланкиси (агар мавжуд бўлса)*

Танлов иштирокчисининг номи \_\_\_\_\_

Танлов иштирокчиси раҳбарининг фамилияси, исми ва отасининг исми \_\_\_\_\_

Манзили ва телефон (факс) рақами \_\_\_\_\_

Юридик мақоми \_\_\_\_\_

Юридик манзили \_\_\_\_\_

Фаолиятини амалга оширадиган жойи \_\_\_\_\_

Асосий фаолият тури (статистика идораси коди бўйича) \_\_\_\_\_

**Раҳбар ва бошқарув ходимлари:**

| T/p | Ф.И.О. | Маълумоти (таълим муассасаси, мутахассислиги, диплом рақами ва берилган санаси) | Ушбу соҳада иш тажрибаси (йил) | Эгаллаган лавозими |
|-----|--------|---|--------------------------------|--------------------|
| 1   | 2      | 3   | 4                              | 5                  |
|     |        |   |                                |                    |

**Асосий ходимлар (бўлим бошликлари, ЛБМ, ЛБА ва бошқа мутахассислар)**

| T/p | Ф.И.О. | Маълумоти (таълим муассасаси, мутахассислиги, диплом рақами ва берилган санаси) | Ушбу соҳада иш тажрибаси (йил) | Эгаллаган лавозими |
|-----|--------|---|--------------------------------|--------------------|
| 1   | 2      | 3   | 4                              | 5                  |
|     |        |   |                                |                    |

Танлов иштирокчиси раҳбарининг имзоси:

/имзо ва муҳр/

Тузилган сана: “ \_\_\_\_ ” 2022 й.

**Изоҳ:** Танлов иштирокчисининг ишчи ходимларини уибу соҳада 5 йилдан кам бўлмаган иш тажрибасига эга эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (ходимларнинг паспорти, дипломи, ишга қабул қилинганилиги тўғрисида буйруқ ва меҳнат дафтарчалари) нусхалари тақдим қилиншии шарт.

**ИШТИРОКЧИННИНГ ЎТА МУҲИМ ВА ТОИФАЛАНГАН ОБЪЕКТЛАРДА ҚИЛГАН  
ИШ ВА ХИЗМАТЛАРИНИ БАЖАРГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДАГИ МАЪЛУМОТЛАР**

*(Иштирокчи ташкилот бланкиси (агар мавжуд бўлса))*

| №   | Шартнома предмети | Ташкилотнинг номланиши, буюртмачининг ташкилий хукукий шакли, Буюртмачи манзили контактный телефон/факс, Алоқага чиқиш мумкин бўлган шахс | Тузилган / нихоясига етган сана (оӣ, йил, бажарилиш фоизда) | Шартномада унинг ўрни (генподрядчик, субподрядчик, хамкор) ва иш хажми бўйича нечи фоизи % тўғри келган |
|-----|-------------------|---|---|---|
| 1.  |                   |   |   |   |
| 2.  |                   |   |   |   |
| 3.  |                   |   |   |   |
| ... |                   |   |   |   |

Танлов иштирокчиси раҳбарининг имзоси:

/имзо ва муҳр/

Тузилган сана: “\_\_\_\_\_” 2022 й.

**Изоҳ:** Маълумотлар танлов иштирокчиси томонидан ҳар бир объект мисолида ишлар тури бўйича мустақил тўлдирилади ва бажарилган ишлар далолатномаларининг нусхалари билан тасдиқланади.

Уибу шаклда иштирокчи 2019-2021 йиллар мобайнида ишларни бажаргандиги бўйича шартномалар ва иш ҳажми кўрсатилади ҳамда шартномалар нусхалари тақдим қилиншии шарт.

Иштирокчининг тугалланмаган шартномалар тўғрисида ҳам маълумот акс эттиритиши ва шартномалар нусхалари тақдим қилиншии шарт.

**КАФОЛАТ ДЕКЛАРАЦИЯ ХАТИ**  
*Иитирокчи ташкилот бланкida (агар мавжуд бўлса)*

**Марказий банк Жиззах вилояти бош бошқармаси танлов комиссиясига**

\_\_\_\_\_ (ташкилот номи) Кафолат декларация хати орқали сизга шуни маълум қиласиз.

Ташкилотни шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ҳамда бошқа ресурслари мавжудлиги;

- шартнома тузиш учун қонуний хуқуқقا эгалиги;
- соликлар ва йигимлар бўйича қарздорликлар мавжуд эмаслиги;
- ташкилотга нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомиллари мавжуд эмаслиги;
- инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги;
- аввал тузилган шартномалар шартлари ва мажбуриятлари бўйича бажарилмай қолган, келишмовчиликлар мавжуд эмаслиги;
- буюртмачи ёки ишчи орган билан судланган ёки арбитраж ҳолатида эмаслиги;
- танлов шартлари бўйича барча зарурий хужжатларни белгиланган муддатда тасдиқланган ҳолда электрон шакилда тақдим қилиши;
- иш ва хизматларни белгиланган муддатда \_\_\_\_\_ сифатли бажариш ва ўз вақтида ишларни топширишни кафолатлаймиз.

\_\_\_\_\_ (лавозими)

\_\_\_\_\_ (имзо)

Мухр ўрни

Сана

## ТАНЛОВДА ҚАТНАШИШ УЧУН

ХАТ

(катнашиш истагини билдирган юридик шахс түлиқ номи)

## 1. Юридик шахс түгрисида маълумотлар

|   |   |  |
|---|---|--|
| 1 | Танлов иштирокчисини түлиқ номи   |  |
| 2 | Ташкилий-хукукий шакли  |  |
| 3 | Давлат рўйхатидан ўтганлиги түгрисидаги маълумотлар (сана ва рақам, ким томонидан берилган) |  |
| 4 | Юридик манзил   |  |
| 5 | Хақиқатда жойлашган жойи  |  |
| 6 | Банк реквизитлари (банкнинг түлиқ номи, манзили )   |  |
| 7 | Алоқа учун телефон рақамлари  |  |
| 8 | Электрон почта манзили  |  |
| 9 | Танлов учун масъул бўлган ходим   |  |

2. Танлов шартлари бўйича маълумотларни ўрганиб чиқиб, биз қуйида имзо чекувчилар, хатга имзо чекишига масъул бўлган \_\_\_\_\_ (Иштирокчининг түлиқ номи),  
 \_\_\_\_\_ (танлов номи, лот рақами) танловда катнашмоқчимиз.

Шу муносабат билан танлов хужжатлари жойлашган электрон конвертни юбормоқдамиз.  
 Электрон конверт ичида \_\_\_\_\_ та хужжат мавжуд.

Биз танлов комиссияси томонидан ғолиб деб топилсақ, З кундан кеч бўлмаган муддатда шартнома имзолаб, ўрнатилган талабга тўлиқ мос келган ҳолда \_\_\_\_\_ кун муддатда хизматни қўрсатиш мажбуриятини оламиз.

Масъул шахснинг имзоси: \_\_\_\_\_

(номи, лавозими ва Ф.И.Ш. )

Сана \_\_\_\_\_

Мухр ўрни

**ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИННИГ ЛОЙИХА ИШЛАРИНИ БАЖАРИШДА  
ФОЙДАЛАНАДИГАН ХОНАЛАРИ ТҮГРИСИДА МАЪЛУМОТ**

| T/р             | Бино жойлашган манзил | Хоналар сони | Майдони<br>кв.м | Балансида ёки<br>ижарада |
|-----------------|-----------------------|--------------|-----------------|--------------------------|
| 1               | 2                     | 3            | 4               | 5                        |
|                 |                       |              |                 |                          |
|                 |                       |              |                 |                          |
|                 |                       |              |                 |                          |
|                 |                       |              |                 |                          |
| <b>Ҳаммаси:</b> |                       |              |                 |                          |

**ЛОЙИХА ИШЛАРНИ БАЖАРИШДА ФОЙДАЛАНАДИГАН ЛОЙИХА ТАШКИЛОТИНИНГ  
ЖИХОЗ (ОРГТЕХНИКА)ЛАРИ РЎЙХАТИ**

| T/р             | Номи | Маркаси | Ўлчов<br>бирлиги | Сони | Ишлаб<br>чиқарилган<br>йили | Техник<br>холати | Балансида ёки<br>ижарада |
|-----------------|------|---------|------------------|------|-----------------------------|------------------|--------------------------|
| 1               | 2    | 3       | 4                | 5    | 6                           | 7                | 8                        |
|                 |      |         |                  |      |                             |                  |                          |
|                 |      |         |                  |      |                             |                  |                          |
|                 |      |         |                  |      |                             |                  |                          |
|                 |      |         |                  |      |                             |                  |                          |
| <b>Ҳаммаси:</b> |      |         |                  |      |                             |                  |                          |

Ташкилот раҳбарининг имзоси: \_\_\_\_\_

Тузилган сана: «\_\_\_» \_\_\_\_ 2022 й.

Мухр

Изоҳлар:

1. Жадвалларнинг 5 ва 8-устунларига мос равишда хоналар ва моддий-техник воситаларнинг танлов иштирокчисининг балансида эканлиги ёки ижарага олингандиги түгрисида маълумот киритилади ва тасдиқловчи ҳужжатлар нусхалари тақдим этилади.

2. Хоналар корхона балансидаги бинога тегишили бўлса, бино кадастр ҳужжатининг нусхаси тақдим этилади. Хоналар ва моддий-техник воситалари ижарага олинганданда ижара шартномасининг нусхаси тақдим этилади (шартнома лойиҳани бажарии даври мобайнида ҳақиқий бўлиши керак).

**ОБЪЕКТДА ЛОЙИХАЛАШТИРИШ ИШЛАРИНИ БАЖАРИШ ГРАФИГИ**

(объект номи)

| T/р | Ишлар номланиши ва турлари | Ишларни бошлиш санаси | Ишларни тугатиш санаси |
|-----|----------------------------|-----------------------|------------------------|
| 1.  |                            |                       |                        |
| 2.  |                            |                       |                        |
| 3.  |                            |                       |                        |
|     |                            |                       |                        |

Танлов иштирокчиси раҳбарининг имзоси: \_\_\_\_\_

Тузилган сана: « \_\_\_\_ » 2022 й.

Мухр

**Изоҳ:** Жадвалда лойиха ишлари графигида ишларни умумий дастури (объектнинг хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда) ва уларни бажарини муддатлари кўрсатилади.